

# Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

## ШАРТНОМА

“17” 01 2022 йил

№ 16081-X-сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Ўзбекистон давлат Санъат музейи номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон давлат Санъат музейи директори В.С.Файзиева (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф ходимлари, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровул қўриқлаши қўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** обьектни қўриқлашга топширади ва “Кўриқлаш” эса ушбу вазифани қўйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати орқали **1 та 24 соатлик (соат 09:00дан 09:00гача, дам олиш кунларисиз)**, қўриқлаш пости билан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Сайлгоҳ кўчаси 1-йида жойлашган Ўзбекистон давлат Санъат музейига қарашли собиқ Князь Романов қароргоҳи биносини (кейинги ўринларда— обьект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиши, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиши ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва обьектда қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш томонларнинг келишувига асосан йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганди Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида **қўриқлаш** хизмати шартноманинг 1-Иловаси (сарф харажатлар сметаси)га мувофиқ амалга оширилади. (**кўшимча қиймат солигисиз**).

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун колганда **оийлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

12. Буюртмачи Томонлар ўртасида тасдиқланган, хисоб варакасида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳаклидир.

Мазкур Шартнома бекор килинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

##### **13. Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:**

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

##### **14. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

Мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 202\_\_ йил “\_\_” кунидаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост курилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни обьект худудининг девор тўсиғидан 5 метр узоклика (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 7 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар обьектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни

кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг обьектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг обьектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан обьектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки обьектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва обьектга Ижрочи вакили етиб келгунига кадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини обьектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг хукуқлари:

Буюртмачидан обьектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа хужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

обьектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофик кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофик обьектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган худуддаги, лёкин бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

обьектда кириш-чиқиш ва обьект ички тартибига риоя этиш, обьект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган обьектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

обьектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

обьектда ёнгин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўйлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

обьектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва обьектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва обьектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиришиш, текшириш натижалари ва обьектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, кўриқлаш вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

17. Томонлар ўртасида тасдиқланган, хисоб варакасида кўрсатилган ойликни Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижроига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заар етказилганлиги аниқланган ҳолларда заар тўлиқ миқдорда копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган заарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган қарори билан тасдиқланади;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган,

енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинилар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## 8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзолangan кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома Томонлар имзолаб ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзолangan тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидаги белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусҳада тузилиб, биринчи нусҳаси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармасига, иккинчи нусҳаси буюртмачига берилади.

Шартнома Томонлар тарафидан имзоланиб белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга киришган ҳисобланади.

Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида обьектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига икки ой** олдин ёзма равишида маълум қиласи.

35. Томонлар ўзлари тузган шартнома шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кунидаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги 670-I-сонли

Қонунининг 13,15-моддалари талабига мувоғиқ ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради, ва 2021йил 30 март кунидаги 16081-X-сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

#### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси

Миллий гвардияси

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси:

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳар

Марказ-4 Қашқар кўчаси 3-йй

**Банк реквизитлари:**

X/r: 21 596 000 300 447 995 001

**МФО:** 00014

**СТИР:** 202 628 856

**ИФУТ:** 80200

Ўз.Р. Марказий банки Бош

Бошқармасининг ҲҚМ Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи

К.А.Шодибеков



#### Буюртмачи

Ўзбекистон давлат Санъат музейи

**УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТСАНЪАТ МУЗЕЙИ**

УЛ. А. ТЕМУР 16, ТЕЛ: 236-77-40

Х/Р. 100010860262737082200245001

ИНН 201249506 ОКОНХ 93131

**МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ГАЗНАЧИЛИГИ**

Х/Р. 23 402 000 300 100 001 010

**ҲҚМ МАРКАЗИЙ БАНК Б**

МФО 00014 ИНН 201122919

Ўзбекистон давлат Санъат музейи  
директори

В.С.Файзиева



Юриск-масафатчи  
Ҳ.Н. Муғанимов

*[Signature]*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи



К.А.Шодибеков

“17” 01

2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон давлат Санъат музеи  
директори



В.С.Файзиева

2022 йил

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кӯчаси 1-йуда жойлашган Ўзбекистон давлат Санъат музеига қарашли сабиқ Князь Романов қароргоҳи биносини кўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани кўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган кўриқлаш хизмати шахсий таркибини 2022 йилнинг 01 январь кунидан бошлаб моддий таъминлаш тўғрисида

**ҲИСОБ ВАРАҶАСИ**

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вақти	Бир ойлик кўриқлаш вақти	Кўриқлаш пост / соат нархи	Жами
Январь	1	24 соат	744 соат	32 252 сўм	23 995 488,00 сўм
Февраль	1	24 соат	672 соат	32 252 сўм	21 673 344,00 сўм
Март	1	24 соат	744 соат	32 252 сўм	23 995 488,00 сўм
Жами:					69 664 320,00 сўм

**ЖАМИ:****69 664 320,00 сўм**

Олтмиш тўққиз миллион олти юз олтмиш тўрт минг уч юз йигирма сўм, 00 тийин

Тошкент шаҳар Кўриқлаш  
бошқармаси МИБ бошлиғи

**Н.Н.Рўзибоев**

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 марта даги 5029-сонли Қарори  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги ПФ-6279-сонли Фармони